



СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИНИ МОДИФИКАЦИЯЛАШ ОРҚАЛИ СОЛИҚ ТИЗИМИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Ахроров Зариф Орипович

Тошкент давлат иқтисодий университетининг
Самарқанд филиали доценти, PhD

https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss1/a29

Аннотация. Иқтисодий адабиётларда солиқларнинг моҳияти ва давлат даромадларини ташкил этишидаги ўрни кўп мартаба тадқиқ қилинганга қарамай, солиқларнинг жамият ҳаётидаги таъсири ҳамда иқтисодий ўсишдаги ўрни, солиқ муносабатларини модификация қилиш борасида баҳсли мунозаралар кўп учрайди. Мазкур мақола давлат ва жамиятда амалга ошириладиган солиқ муносабатларини модификациялаш, солиқ тизимидаги муносабатларни модификациялаш орқали барқарорлигини таъминлашга бағишланган. Ушбу мақолада солиқлар муносабатларининг жамиятдаги таъсири тўғрисидаги вазиятлар таҳлили акс эттирилган бўлиб, давлат ва жамият ўртасидаги солиқ муносабатларини ўзаро мувофиқлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: солиқ, модификация, давлат, солиқ муносабатлари, солиқ имтиёзи.

ОБЕСПЕЧЕНИЕ СТАБИЛЬНОСТИ НАЛОГОВОЙ СИСТЕМЫ ПУТЕМ МОДИФИКАЦИИ НАЛОГОВЫХ ОТНОШЕНИЙ

Ахроров Зариф Орипович

Доцент Самаркандского филиала Ташкентского
государственного экономического университета, PhD

Аннотация. Несмотря на то, что значение налогов и их роль в организации государственных доходов неоднократно исследовались в экономической литературе, существует немало противоречивых дискуссий о влиянии налогов на жизнь общества, их роли в экономическом росте и экономическом развитии изменение налоговых отношений. Данная статья посвящена модификации налоговых отношений, реализуемых в государстве и обществе, для обеспечения стабильности путем модификации отношений в налоговой системе. В данной статье отражен ситуационный анализ влияния налоговых отношений на общество, а также сформулированы предложения и рекомендации по взаимной координации налоговых отношений между государством и обществом.

Ключевые слова: налог, модификация, государство, налоговые отношения, налоговый кредит.

ENSURING THE STABILITY OF THE TAX SYSTEM BY MODIFYING TAX RELATIONS

Ahrorov Zarif Oripovich

Associate Professor of the Samarkand branch of
Tashkent State Economic University, PhD

Abstract. Despite the fact that the importance of taxes and their role in organizing government revenues have been repeatedly studied in the economic literature, there are many controversial discussions about the impact of taxes on the life of society, their role in economic growth and economic development. change in tax relations. This article is devoted to the modification of tax relations implemented in the state and society to ensure stability by modifying relations in the tax system. This article reflects a situational analysis of the impact of tax relations on society, as well as formulates proposals and recommendations for the mutual coordination of tax relations between the state and society.

Keywords: tax, modification, state, tax relations, tax credit.

Кириш. Солиқлар иқтисодий ривожланишнинг турли иқтисодий босқичига хос бўлган ички жиҳатлар ҳамда алоқаларнинг бозор муносабатлари тизимидаги ўрнини белгилайди. Солиқлар ягона моҳиятга эга эканлигини рад эта олмаймиз, яъни бошқа иқтисодий категориялардан фарқли равишда солиқлар ўзига хос муносабатлар бўлиб, унда сабаб ва

натижанинг ўзаро алоқадорлиги мавжуд. Бизнинг фикримизга кўра, солиқнинг мазмунининг реал иқтисодий жараёнларда мужасамланган ички ва ташқи таъсирнинг ўзаро боғлиқлигини акс эттиради. Мазмуннинг таркибида моҳият ётади ва улар чамбарчас-час боғланган, мазмун категорияси эса моҳиятга нисбатан конкрет ҳисобланади. Моҳият со-

ликнинг фаолиятдан қатъий назар, умумий тушучани берса, мазмун мазкур солиқнинг конкрет ҳолатини изоҳлайди. Шу ерда бир фикрни таъкидлаш муҳимки, инсон тафаккури ҳодисадан моҳиятга қараб чуқурлаша боради, яъни моҳият биринчи қоидани изоҳласа, биринчи қоида иккинчи қоидага олиб келади.

Тизимга киритилган барча бозор муносабатларининг энг чуқур моҳиятлиси, бизнингча, солиқ муносабатлари асосида шакланган мулкӣ муносабатлардир. Шу билан бирга, ҳар бир солиқ тури бозор муносабатлари асосида вужудга келган маълум бир ишлаб чиқариш муносабатларини акс эттирувчи ўзига хос муносабатларни ўз ичига олади. Ушбу боғлиқлик ишлаб чиқариш ва ривожланиш жараёнида "очибли" ҳамда ишлаб чиқариш муносабатларининг турли босқичларида ўзига хос жиҳати билан намоён бўлади. Бу каби босқичлар ва моҳиятни турли жиҳатларининг бирлиги ҳамда ўзаро боғлиқлиги (ички ва ташқи) солиқларнинг мазмунини акс эттиради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Солиқнинг моҳияти бир томонлама бўлмай, бу тизимли тушунчадир. Агар биз солиқни ҳодиса билан эмас, балки унинг ўзини ўрганадиган бўлсак, унда биз солиқ моҳиятининг "ядро"си ҳамда унинг асоси ва тушунчаларини ажратиб олишимиз мумкин. Ф.Косицина фикрича, "моҳиятни кенгайтирилган мазмунини тушуниш учун белгиловчи асосни ажратиб олиш муҳим"[1]. Аксарият иқтисодчиларнинг "кўпчилик моҳиятни муносабатларнинг таркибсиз даражаси деб қарашади" деган фикрини тан олиш керак. Лекин бу тўғри ҳам эмас, чунки солиққа бўлган категорик ёндашув унинг моҳиятининг тизимли хусусиятга эга эканлигини назарда тутиш мақсадлидир[2].

S.Ahmad, H.M.Sial, N.Ahmadлар томонидан солиқлар ижтимоий ва иқтисодий ўсишнинг муҳим шарт сифатида мукамал ва қатъий солиққа тортиш тизимига эга бўлиши [3], E. R.McGrattan, E.C.Prescottлар томонидан солиқ тизимига танқидий омил сифатида қатъий тартибга солувчи тизимнинг мавжуд бўлиши[4], G.W.Scully томонидан жамиятда молиявий ресурслар тақсимланиши давлатнинг бозор тизими ёки сиёсий тизими орқали амалга оширилиши [5], P.Cashin томонидан узоқ муддатли иқтисодий ўсиш даражаси тўғри ташкил этилган фискал сиёсат натижаси эканлиги [6] эътироф этилади.

Мамлакатдаги инфратузилмаларни рақобатбардошлилигини сифатли инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан таъминлашда, таркибий қайта қуришларни амалга оширишда солиқларни тартибга солиш механизми ўта муҳим восита сифатида хизмат қилади. L.Minford фикрича, солиқлар орқали тартибга солиш кенг маънода ижтимоий-иқтисодий тараққиёт омили сифатида майдонга чиқади[7]. Солиқлар бир томондан давлат бюджети даромадларини тўлдиришни амалга оширсан, иккинчи томондан жамият аъзолари даромадларини қайта тақсимланишини акс эттиради.

Солиқ иқтисодий категория сифатида ҳар доим фақат ўзига хос бўлган, аниқ бир шаклда намоён бўлади. Масалан: солиқ – қийматнинг бир қисмини намоён қилган шаклидир; солиққа тортиш – молиявий муносабатлар жараёнидир. Гарчи ушбу шакллар орқали бошқа иқтисодий муносабатларнинг моҳиятини ифодалаш мумкин бўлсада, улар бу муносабатларнинг устувор шакли ҳисобланади. Бундай шаклларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар иқтисодий муносабатлар меъёрини акс эттиради, яъни миқдорий ва сифат кўрсаткичлари белгиланади. Шунинг учун иқтисодий муносабатларнинг шакли – солиқни ташкил қилиш усули ва унинг намоён бўлишидир.

Тадқиқот методологияси. Мазкур мақолада иқтисодий таҳлилнинг анализ ва синтез, индукция ва дедукция, таққослама каби анъанавий усуллардан фойдаланилди. Хорижий ва мамлакатимиз олимлари ва тадқиқотчиларининг солиқ муносабатларига доир илмий-амалий қарашлари таҳлил қилинди ва натижалари асосида хулосалар шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар. Агар солиқнинг мазмуни маълум шароитларда намоён бўлишининг моҳияти билан боғлиқ бўлса, унда солиқ муносабатларининг шакли ҳодиса билан изоҳланади. Демак, солиқ муносабатларининг турлари – хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида эмас, балки иқтисодий ҳодисалар ўртасидаги бевосита боғлиқликдир, яъни бу солиқларнинг мазмунига нисбатан белгисиз алоқадир. Бундай ҳолда солиқларни намоён бўлиши, уларнинг ҳаракати ва фойдаланилишини бир-биридан фарқлаш керак. Солиқ муносабатларининг таъсир этиш шакли уларнинг намоён бўлиш соҳасининг бир қисмидир, фойдаланиш шакли эса одамларнинг онгли равишда амалий фаолияти жараёнида ҳисобга олинишидир.

Солиқ муносабатларининг ривожланиши тушунчаси ва уни белгиловчи сабаблари адабиётларда турлича талқин қилинади [8-9]. Солиқ муносабатлари ҳаракат, фаолият, ўлчов, ўсиш, модификация ёрдамида изоҳланади. Ушбу тушунчалар солиқ муносабатларининг у ёки бу томонини ёритиб, юқорида келтирилган атамалар билан изоҳланади. Аммо, бундай идентификация қилиш нотўғридир, чунки уларнинг ҳеч бири солиқларнинг моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Ушбу тушунчаларни фарқлаш керак ва шу сабабли солиқ муносабатлари жараёнининг шартлари ва манбаларини кўриб чиқиш лозимдир.

Биринчидан, биз солиқ муносабатларининг ривожланиши уларнинг модификациясидан фарқланишини эътиборга олишимиз керак. Модификация турли шароитда солиқларнинг шаклига ёки хусусиятига таъсир қилмайдиган миқдорий кўрсаткичларнинг ўзгартиришни англатади.

Иқтисодий терминлар луғатида “модификация” (лот. *modificatio* - ўзгартириш) терминига қуйидагича изоҳ берилади:

1) ишлаб чиқариш, технологиялар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни ўзгартириш, прогрессив ўзгаришлар киритиш, такомиллашган варианты, янги моделини яратиш;

2) маълум бир маҳсулот, машинанинг ўзгартирилган модели [10].

Модернизация эса кенг маънода жамиятда янгилашни ва ривожлантириш жараёнларини ўзида акс эттиради. Иқтисодий модернизация меҳнат тақсимоти ўсиши, ишлаб чиқариш жиҳозлари самарадорлигининг ошиши, фанни ишлаб чиқариш кучига айлантириш ва ишлаб чиқаришни рационал бошқаришни ривожлантириш эвазига эришилаётган иқтисодий такрор ишлаб чиқаришни чуқурлаштиришни назарда тутаяди.

Солиқларнинг модификацияси – бу солиқ муносабатларининг намоён бўлиш шакллари ёки мазмунининг алоҳида асосий бўлмаган томонларининг ўзгаришидир. Бозор муносабатлари ҳақида гап кетганда, модификация унинг барча механизмларига тааллуқли ҳисобланади. Шундай қилиб, иқтисодий тақсимот муносабатлари каби тақсимот жараёни таҳлил этилганда, ўзининг амал қилинишида турли ҳолатларда модификацияланади. Демак, иқтисодий ҳодисаларнинг модификацияси солиқ муносабатларининг табиий жиҳатидир.

Барча солиқлар модификацияга мойилдир, яъни модификация солиқ муносабатларини янги кўринишларининг пайдо бўлиши-

да, шунингдек, солиқларнинг фаолият доирасини торайиши ёки кенгайишда намоён бўлади. Солиқларнинг модификацияси – унинг ривожланиш даври бўлиб, асосан ташқи муҳит ва шароитларига боғлиқдир. Шароитлар, ўз навбатида, солиқ муносабатларини намоён бўлиши жараёнига турли йўللار билан таъсир қилиши мумкин, яъни фаолиятни сусайтиради ёки тўхтатиб қуйишга мойилдир. Солиқ муносабатларига таъсир этиш сабаблари иқтисодий ёки бошқа соҳада бўлиши мумкин. Иқтисодиётнинг ривожланишига таъсир этувчи турли хил сабабларини уларнинг эмпирик маълумотларини таҳлил қилиш орқали тушуниш мумкин, яъни эмпирик вазиятлар, табиий шароит ва муносабатларнинг асосий шартларига тегишли бўлган иқтисодий базисдаги турлича вариацияларни акс эттиради.

Солиқ муносабатларининг сифатий мазмунига бевосита таъсир этувчи сабабларнинг ҳар бир даражаси бошқа даражадаги сабабларни изоҳламайди. Бундай вазият солиқ муносабатлари модификациясининг тўғридан-тўғри асоси ҳисобланиб, иқтисодий шаклларнинг бошқа бир даражалари учун дастлабки сабаб ҳисобланади. Ушбу турдаги модификация “вертикал” солиқ муносабатларининг фаолият жараёни билан боғлиқдир. Агар жараёни “горизонтал” ҳолатда ўргансак, яъни ишлаб чиқариш жараёнининг фазаларига қараб кўрилса, иқтисодий ривожланишнинг турли босқичларида бир солиқнинг турли шакллари аниқлаш мумкин бўлади. Бироқ, ишлаб чиқариш жараёнининг ташқи муҳит шартлари билан асосланган солиқ муносабатларининг модификация жараёни вақтинчалик табиатга эги. Улар қайталанувчи бўлиб, модификация қилиш шароити мавжуд бўлган даврда давом этади.

Солиқ моҳиятининг баъзи жиҳатларини ёки унинг асосий бўлаган бир муҳим хусусиятларининг ўзгариши ҳақида гап кетганда, биз модификация эмас, балки солиқ муносабатларини тушунишимиз керак. Солиқ муносабатлари ва унинг ривожланиши модификацияга қараганда йирикроқ ва кенг қамровли тушунчадир, унинг фарқи ташқи сабаблар ёки шароитлар билан боғлиқ бўлиб, ҳар доим ўз-ўзини ҳаракатга келтирадиган ички манбага эга. Солиқ муносабатларининг ривожланиши нафақат шаклдаги, мазмундаги ўзгаришларни, намоён бўлишнинг кўп ёки оз меъёрадаги интенсивлигини, моҳиятнинг турли шаклларда кўп ёки камроқ намоён бўлишини эмас, балки моҳиятнинг ўзидаги ўзгаришини

хам англатади. Солиқларнинг тизим сифатидаги ривожланиши маълум миқдорий ва сифатий белгилари билан чекланиши мумкин. Агар ўзгаришлар меъёр чегараларидан ўта бошласа, у қайта шаклланади ва янги солиқ тури пайдо бўлади ҳамда эскиси ўз долзарблигини йўқотади.

Солиқ муносабатлари ва уларнинг ривожланиши маълум даражадаги ҳаракат ва фаолияти билан боғлиқ. Солиқ муносабатларининг ривожланиши ҳар доим ҳаракаттадир. Аммо, солиқ муносабатларининг ривожланиши уларнинг ҳаракати ва фаолиятдан фарқ қилиши мумкин, яъни ҳаракат табиатан ҳам инқилобий, ҳам эволюцион бўлиши мумкин. Солиқ муносабатларининг ривожланиши – ҳар доим янада мураккаб ва юқори сифатга йўналтирувчи ҳаракатдир. Олдинги ҳолатида кўрилмаган янги табиати ва хусусиятлари, вақти ва ҳодисаларнинг мавжуд бўлиши солиқ муносабатлари ривожланишининг энг муҳим белгисидир.

Солиқ муносабатларининг ривожланиши диалектиканинг умумий қонунларига мувофиқ амалга ошади – инкорни рад этиш, миқдорий кўрсаткичларни сифат кўрсаткичларига ўтказиш, қарама-қаршиликларнинг бирлиги ва зиддиятлари. Яъни солиқ муносабатларининг ҳар қандай ривожланиши, унинг мазмунидан қатъи назар, бир-бири билан боғлиқ бўлган турли хил ривожланиш даражаларида бириси иккинчисини рад этиши мумкин. Ҳеч бир соҳада солиқ муносабатлари олдинги шакллари инкор этмай ривожлана олмайди. Олдинги шаклларни инкор этиш барча хусусиятлар ва ҳолатларни тўлиқ инкор этилишини англатмайди ҳам, яъни олдинги ҳолатлардаги ижобий жиҳатларини давомийлигини сақлаган ҳолда бирлаштиради. Солиқ муносабатларининг ривожланиши – бу доимийлик ва инкорнинг бирлигида тавсифланадиган тарихий жараён.

Солиқ муносабатларидаги сифат ва миқдорий ўзгаришлар иқтисодий қонунларнинг амал қилиш жараёнида рўй беради. Ишлаб чиқариш кучларнинг ривожланиши, меҳнат тақсимоли ва ишлаб чиқариш муносабатларининг такомиллашуви билан солиқ муносабатларининг амалга ошиш шароитлари ҳам мураккаблашиб боради. Уларнинг моҳияти ва мазмуни янги, мураккаб ва ривожланаётган алоқаларни акс эттиради. Янги хусусияти, сифати, белгилари ва функцияларнинг пайдо бўлиши эса тизимдаги солиқ муносабатларининг ривожланишини англатади.

Солиқ муносабатларининг ривожланиши жараёнида маълум миқдорий кўрсаткичлар ҳам ўсади. Ўсиш – солиқ муносабатлари ривожланишининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бироқ, биринчиси асосан миқдорий ўзгаришларни ўз ичига олса, иккинчиси сифат ўзгаришини намоён этади, бу эса тўпланган миқдорий ўзгаришларнинг натижаси бўлиши мумкин. Масалан, реал иш ҳақининг ўсиши, корхоналар ва хизматлар сонининг кўпайиши, аҳолининг маълумоти ва маданий даражасининг ўсиши – бу ва бошқа кўплаб иқтисодий ва ижтимоий ўсиш кўрсаткичлари солиқ сиёсати билан асосланган солиқ муносабатларининг сифат жиҳатидаги ўзгаришига олиб келади, чунки бозор муносабатлари мақсадини янада тўлиқроқ амалга ошириш учун имконият яратилади, янги солиқларнинг пайдо бўлиши ва фаолият соҳасини ривожлантиришга ёрдам беради.

Солиқ тушумларининг ўсиши билан жамиятнинг ҳаёт кечиришида яхшиланиш имкониятлари ошади ва шу билан бир қаторда ижтимоий ҳимоя ва ишлаб чиқаришнинг моддий шароитларини аҳамияти ортади. Солиқларнинг тақсимлаш ва назорат қилиш турларини солиқларнинг амалга ошиши ва назорат қилиш каби асосий функциялари ишга тушади. Бундай шароитда солиқларнинг ушбу функциялари, бизнинг фикримизга кўра, бозор муносабатлари шаклланиш босқичида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширилиши аҳолининг турмуш даражасининг ўсишини таъминлаш вазифасидан алоҳида кўриб чиқилмайди, иш ҳақи фондини кўпайтириш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий мезонига айланади. Ва ниҳоят, солиқлар онгли равишда турмуш даражасини ривожланишининг пропорционал ва оптимал мезонини белгилайди. Солиқларнинг тақсимлаш ва назорат қилиш функцияларини эътиборга олганда, шуни таъкидлаш керакки, ижтимоий ҳаётни модернизация қилиш шароитидаги чора-тадбирлар кучайтирилиб, солиқ муносабатларининг асосини акс эттирувчи солиқ чегараларини янада торайтириш зарурати алоҳида аҳамиятни касб этмоқда. Солиқлар чегарасини юмшатиш – жамиятнинг турмуш даражасини модернизация қилишнинг энг муҳим омили ҳисобланади.

Янги солиқларнинг вужудга келиши унинг моҳиятини ривожлантириш орқали шаклланади. Солиқ муносабатларининг ривожланиши унинг янги фаолият турларининг пайдо бўлиши билан бир қаторда, бошқа

иқтисодий кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини кучайтириш орқали ҳам намоён бўлади, натижада янги тартиб ва қонунлар шаклланади. Солиқлар билан солиққа тортувчи кўрсаткичларнинг ўзаро таъсири бозор ривожланаётган шароитда пул маблағлари тўлов қобилиятининг ўсишига олиб келади. Бу эса солиқ функциясини ҳаракатга келтирувчи кенг қамровли шакли ҳисобланади.

Демак, солиқларнинг бошқа ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ёки қарама-қарши томонлар билан ўзаро алоқадорлик диалектикаси – солиқ предмети моҳиятидаги зиддиятларини ўрганишдир. Солиқ муносабатлари тизимидаги ҳар бир солиқ қарама-қарши томонларнинг диалектик бирлигидир, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ўз-ўзини ҳаракат қилиш, такрор ишлаб чиқариш ва шунга мос равишда ўз-ўзини ривожлантириш жараёнлари билан белгиланади. У табиатига муносиб ўзининг моҳиятида қарама-қаршиликларни акс эттиради. Солиқ маълум муносабатлар, ҳодисалар, жараёнлар моҳияти ўртасидаги боғлиқликни ёки мавжуд алоқадорликни изоҳлаши мумкин. Бирлик томонлари қарама-қаршилик сифатида ривожланганда у вужудга келади ва ўзаро боғлиқ эканлигини шакллантиради. Шу сабабли, бизнинг фикримизча, солиқ фақат бир хусусият, яъни бақарорлигига эга бўлганда, ички қарама-қаршилик каби ривожланиш манбаидан маҳрум бўлиши хатодир. Унда ҳеч қандай жараёнлар рўй бермайди, яъни бирликнинг қарама-қаршиликларга бўлиниши ва улар ўртасидаги алоқа ҳам мавжуд бўлмайди.

Солиқ муносабатларидаги қарама-қаршиликлар унинг ривожланишининг манбаи ҳисобланади. Аммо солиқ моҳиятидаги қарама-қаршиликлардан ташқари, солиқнинг моҳияти ва мазмуни ёки таркибий қисмларининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда ушбу жиҳатлар ва солиқнинг намоён бўлиш шакли ўртасида ҳам зиддиятлар мавжуд. Солиқ муносабатлари ичидаги қарама-қаршиликлар турлича бўлиб, солиқнинг шаклланиш манбаини ҳисобга олган ҳолда солиқларнинг амал қилиш ва улардан фойдаланиш ўртасидаги зиддиятларни ўз ичига олади. Улар солиқ ставкалари ўртасидаги каби ҳар бир шаклланиш объектларида мавжуддир. Солиқларга хос бўлган қарама-қаршиликлар нафақат ишлаб чиқаришни ривожлантириш манбаи бўлиб, балки ҳар бир солиқ турининг ўз-ўзини ривожлантириш манбаи бўлиб ҳам ҳисобланади.

Солиқнинг моҳиятидаги энг кенг тарқалган қарама-қаршилик бу ишлаб чиқариш

имкониятлари ва давлатнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини қондириш ўртасидаги зиддиятдир. Ушбу қарама-қаршиликларнинг бирлиги уларнинг ривожланиш манбаининг умумийлигидадир, яъни моддий ишлаб чиқариш каби, давлатнинг миллий даромадга бўлган эҳтиёжини қондиришида намоён бўлади. Ушбу қарама-қаршиликка доимий рухсат берилиши ва такрорланиши жараёнларида солиқнинг ўзини ўзи ривожлантириши амалга ошади. Иқтисоднинг ривожланиши объектив омиллар таъсири остида амалга ошиши каби, субъектив омилнинг ортиб бораётган роли ва унинг объектив қарама-қаршиликларни англаши ва ҳал қилиш жараёнига бўлган фаол таъсири натижасида содир бўлади.

Агар биз солиқ муносабатларининг шаклланиш пайтидан бошлаб ривожланиш жараёнини кузатадиган бўлсак, унда нафақат унинг фаолият соҳасининг кенгайишини ва ҳозирги босқичда фаолиятининг янада тўлиқлигини, балки солиқ моҳиятининг томонлари ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг мавжуд эканлигини ҳамда ундаги сабаб ва оқибатлар доимо ўз ўринларини алмаштириб туришларини кўришимиз мумкин. Аҳоли ижтимоий эҳтиёжларини тобора кўпроқ қондириш учун асос бўлиб моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобланади (мақсадга эришишни белгиловчи ва шу билан бирга сабаб сифатида намоён бўлади). Моддий ишлаб чиқариш ривожланишининг натижаси бўлиб аҳолининг тобора тўлиқ ижтимоий ҳимоясининг шаклланиши ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти ривожланаётган шароитда солиқлар ўз мақсадларига эришиш учун зарурий имкониятлар ва шароитлар яратилган шаклда фаолият кўрсатишади. Бу шаклларга солиқ тушумларининг тўлиқлигини таъминлаш, ишсизликни олдини олиш, жамият турмуш тарзини модернизациялаш жараёнига меҳнат қилиш шартларини яхшилаш, меҳнат, дам олиш ва ижтимоий таъминот ҳуқуқини таъминлаш кабиларни киритиш мумкин.

Бозор муносабатлари қарама-қаршиликларининг умумий тизимидаги солиқ муносабатлари қарама-қаршиликлари аҳамиятли бўлиб, алоҳида ўринни эгаллайди. Масалан, бюджет даромадларидаги солиқ тушумларининг тўлиқлигини таъминлаш шартларида тақсимот муносабатларидаги қарама-қаршиликлар мавжуд; жамиятнинг ўсиб бораётган моддий эҳтиёжлари ва ҳозирги вақтдаги мазкур эҳтиёжларни қондириш имкониятлари

ўртасидаги қарама-қаршиликлар; тўплаш ва истеъмол қилиш ўртасида; талаб ва таклиф ва бошқа қарама-қаршиликлар – буларнинг ҳаммаси солиқ муносабатларидан фойдаланиш ва ундаги қарама-қаршиликларидир. Солиқ муносабатлари фаолиятидаги қарама-қаршиликлар – жамият турмуш тарзинининг ривожланиш манбаидир, уларни ҳал қилиш эса бозор инфратузилмасини ривожлантириш манбаи ҳисобланади.

Солиқ муносабатлари ичидаги қарама-қаршиликлар ҳар доим ҳам бозор инфратузилмасини ривожлантириш манбаи бўлавермайди. Аксинча, солиқ моҳиятида акс этган иқтисодий субъектлар томонидан шакллантирилган солиқдан фойдланишнинг объектив зарурияти ноадекват бўлса, улар иқтисодий тўхтатиб туришлари ҳам мумкин. Махсус солиқ муносабатларидаги қарама-қаршиликларнинг мавжудлиги ва ривожланиши ўзига хос жиҳатларга эга. Солиқ муносабатларидаги солиқларнинг амал қилиши ва ривожланиши ўртасидаги қарама-қаршиликлар иқтисодий, ташкилий-техник муносабатларининг ривожланиши жараёнида, яъни ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатлари ўртасида ҳал этилади. Махсус солиқ муносабатларининг амал қилиниши ва ривожланиши ўртасидаги қарама-қаршиликлар эса ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш жараёнида ҳал этилади. Улар солиқ муносабатларидаги қарама-қаршиликларга нисбатан кам бўлиб, амал қилиниши ва ривожланиши ишлаб чиқариш кучларига боғлиқдир.

Хулоса ва таклифлар. Иқтисодий категория сифатидаги солиқнинг чуқур моҳияти иқтисодий ривожланиш давомида ўзгариш-

сиз қолмоқда, аммо муайян тарихий шароитларда у янада аниқлаштирилиб, турли босқичларда янги вазифалар эга бўлиб, ўзини янги жиҳатлари ва хусиятлари билан тўлдиради. Ўтиш даврида солиқ муносабатларидаги қарама-қаршилик, ривожланаётган бозор шароитидан фарқли улароқ бошқа шакл ва усуллар билан ҳал қилинган.

Солиқ муносабатларининг ривожланиши нафақат ички қарама-қаршиликларга, балки ташқи қарама-қаршиликларга ҳам боғлиқдир, яъни улар солиқларнинг бозор муносабатлари тизимидаги ўзаро алоқалари натижа-сида шаклланигани каби, тизимнинг қонунчилик ва бошқа ҳуқуқий-норматив актларининг ўзаро боғлиқлигида шаклланади.

Солиқ тизимидаги бутун ва алоҳида олинган қарама-қаршиликлар ривожланаётган бозор муҳитида объектив характерга эга. Шунинг учун солиқлар ва уларнинг объектлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар зиддиятларни келтириб чиқармайди. Қарама-қаршиликларнинг вужудга келиши, ривожланиши ва уларнинг ҳал этилиши ишлаб чиқариш муносабатларининг бозор ривожланиши характеридаги ресурслар билан таъминланишининг ижтимоий бир-хиллик шароитида амалга ошади.

Демак, солиқ муносабатларининг ривожланиш жараёни иқтисодий муносабатларнинг қарама-қаршиликларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Шу шартдагина, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни такомиллаштириш чора-тадбирлари самарали ҳисобланади ва белгиланган вазифалар бажарилади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Косицина Ф.П. *Отражение сущности экономических явлений в политической экономии.* - М., 1979. - С.11.
2. Черкасов Г.И. *Экономические законы и их особенности при социализме.* - М., 1977. С.61
3. Ahmad S., Sial H. M., Ahmad N. *Indirect taxes and economic growth: An empirical analysis of Pakistan //Pakistan Journal of Applied Economics.* - 2018. - Т. 28. - № 1. - p. 65-81.
4. McGrattan E. R., Prescott E. C. *Taxes, Regulations, and the Value of US and UK Corporations //The Review of Economic Studies.* - 2005. - Т. 72. - № 3. - p. 767.
5. Scully G. W. *Taxes and economic growth //NCPA Policy Report.* - 2006. - Т. 292.
6. Cashin P. *Government spending, taxes, and economic growth //Staff Papers.* - 1995. - Т. 42. - № 2. - p. 237.
7. Minford L. *Tax, regulation and economic growth: a case study of the UK.* - Cardiff Economics Working Papers, 2015. - №. E2015/16.
8. Лапуста М., Мазурина Т. *Финансы предприятий: учебное пособие.* - М.: Альфа-Пресс, 2009 - 640 с.
9. *Финансы: учебник/Под ред. А.И.Архипова, И.А. Погасова.* - М.: Проспект, 2009. - 640 с.
10. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. *Современный экономический словарь.* - 6-е изд., перераб. и доп. - М.: ИНФРА-М, 2011. - с. 479.